

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ**

*ИИВ Академияси 3 ўқув курси
314 гуруҳ курсанти
Эсоналиев Мухриддин Мухиддин ўғли*

АННОТАЦИЯ

Битирув малакавий ишда профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар билан ҳамкорлигининг тартиби тушунчаси, бугунги ҳолати, ҳуқуқий асослари, асосий хусусиятлари, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга бағишланган олимлар, мутахассислар ва амалиёт ходимларининг фикрлари, мавзуга доир махсус адабиётлар, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган омиллар, натижаларни кўрсатувчи статистик маълумотлар, илғор хориж тажрибаси ўрганилиб таҳлил қилинган ҳамда бу борада эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий иши кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш матни 98 саҳифа.

ANNOTATION

The concept of the procedure for admission of individuals and legal entities at the bases of law enforcement agencies, the current situation, the legal framework, the main features, the views of scientists, experts and practitioners on the improvement of this activity, special literature on the subject, hinders the improvement of this activity. Factors, statistical data showing the results, advanced foreign experience were studied and analyzed, and proposals and recommendations were developed to consolidate the positive results achieved and further improve the activities.

The dissertation consists of an introduction, 3 chapters, 6 paragraphs, a conclusion and a list of references. Work text 98 pages.

Бугунги кунда профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш мутлақо янги босқичга кўтарилди. Дарҳақиқат, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳал этилса, аҳолининг амалдаги қонунларга, мурожаатларни кўриб чиққан давлат идорасига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Ички ишлар органларнинг фуқаролар билан ҳамкорлигини ташкил этишда:
биринчидан, қонунчиликка қатъий риоя қилиш;
иккинчидан, юқори даражада ҳуқуқий маданиятли бўлиш;

учинчидан, аҳолининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини инобатга олиш;

тўртинчидан, жамоатчилик ёрдамига доимий таяниш;

бешинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ариза ва шикоятларига ҳамда хабарларига тезлик билан эътибор бериш ҳамда тегишли қонуний чора-тадбирларни кўриш;

олтинчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда хизматда ва оилада бенуқсон хулқ-атворга эга бўлиш зарур.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақияти, аввало, ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқ, десак муболаға бўлмайди. Профилактика инспекторининг асосий хизмат фаолият йўналишларидан бири бу – ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш ҳисобланади.

Профилактика инспектори ҳар кунлик хизмат фаолияти жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ вазифалардан ташкил топади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича асосий масъулият профилактика инспекторлари зиммасига юклатилади. Улар вазифасини самарали бажариш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда, энг аввало, маҳаллада яшовчи, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг турмуш тарзини, мавжуд муаммоларни ўрганиши зарур. Уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини сингдириши керак.

Профилактика инспекторлари жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш давомида Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#) ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг мурожаатларини тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида

чоралар кўриши шарт

Профилактика инспекторларига мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тегишли давлат органларига мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Профилактика инспекторлари қабулга келган шахсларнинг мурожаатини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Бизга маълумки, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига бир қанча таърифлар ва тушунчалар мавжуд. Қонун ҳужжатларида ҳам, назарий юридик ёки бошқа адабиётларда мурожаатларга таъриф берилган. Жумладан, мурожаат – бу жисмоний ва юридик шахслар томонидан бериладиган ариза, шикоят, таклиф кўринишидаги баёнидир. Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи – бу инсон ва фуқаронинг, шунингдек ташкилотларнинг бевосита ёки ўз вакили орқали давлат органларига ўзларининг, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ва руёбга чиқариш учун давлат органларига шахсан ёки жамоа билан ёзма ёки оғзаки мурожаат қилиш имкониятидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.